Инв. № 8
Гос. книжная палата УзССР
28 АВГ. 1984
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 193 (18.969). • Пайшанба, 23 август 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

## ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

- Ғўза парваришидаги зарбдор 50 кунликнинг ҳар бир кунини зарбдорчасига якунлайлик
- Экинни қондириб суғориш диққат марказимизда бўлсин. Ғўзага обиҳаёт тарашда «шарбат» усулидан кенг фойдаланиш ҳосилни эрта етилтириш гаровидир
- Парваришни муддатидан илгари тўхтатиш пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини пасайтириб юборади
- Далаларни машина теримига тайёрлаш, дефолиацияни мақбул муддатларда ўтказишга алоҳида аҳамият берайлик
- Далада ишлаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг муҳим шартидир

*Юбилей йили даъвати:*

# ШИЖОАТ КЎРСАТИНГ, ПАХТАКОРЛАР!

## СУВ — ҒЎЗАНИНГ МАЛҲАМИ

- Ғўза парвариши йиғим-терим бошлангунча давом этади
- Ҳосилнинг сифати дала ишларида агротехника талабларига қатъий риоя этишга боғлиқ
- «Шарбат» суви ғўзани яшнатади, ҳосилга ҳосил қўшади
- Етилган масалалар, мулоҳазалар

Пахта йиғим-терими бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳозирги энг муҳим вазифа ғўза қатор ораларига ишлов беришни ҳосил йиғим-теримига пухта тараддуд билан боғлаб олиб боришдан иборат.

Сувчи бўлиб ишлай бошлаганимга ўттиз йилдан ошди. Кўп йиллик тажрибамга таяниб шуни дадил айтишим мумкин: ғўза парваришини пахта очилгунча тўхтатмаслик керак. Ҳосилнинг етилиши, толанинг сифатли, чидамли бўлиши экиннинг амали ва ривожига боғлиқ. Бу йилги шароитда ғўзанинг ривожланиши ва ҳосил тўпланишидаги қолоқликни тугатмоқ учун экинга қўшимча ишлов бериш, уни «шарбат» усулида суғориш, бегона ўтни ва ҳашаротни ўз вақтида йўқотиш лозим.

Колхозимизда 980 гектар майдонда пахта етиштиряпмиз. Ўтган йили ялпи ҳосил 4400 тоннани ташкил этган бўлса, бу йилги маррамиз 4500 тонна. Шунда ҳосилдорлик 45 центнердан ошади. Ҳосилнинг чўғи чакки эмас, кўчатлар сони бут, гул ва тугунчалар кун сайин кўпайиб, кўсакка-кўсак қўшиляпти. Аммо, экиннинг аҳволи ҳамма майдонда бир текис эмас. Ҳар бир туп ғўзасида 12—15 тадан бўлиқ кўсакли далалар ҳам, ғўзаси энди кўсаклаш даврига кирган майдонлар ҳам бор. Апробациядан кейин қайси даладаги ғўзага кучайтирилган ишлов ва «шарбат» суви бериш зарурлиги белгилаб олинади. Мавжуд 26 та культиватор далада ишлатилмоқда, сувчилар ғўзага оби-тобида сув бераётирлар.

Бригадамиз аъзолари юбилей йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга, пахта тайёрлаш планини биринчи сорт ҳисобига бажаришга аҳд қилганлар. Ғўзаларга тўртинчи марта комплекс ишлов берилмоқда. Азотли ўғитларни 20 июлгача бериб тугатдик. Кейинги даврда эса экинни органик ўғит билан озиқлантирдик, ривожи паст ғўзаларга қўшимча ишлов ва озиқ берилди. Айниқса экинни ўз муддатида суғориш, бир туп ғўзани ҳам чанқатмаслик кундалик диққат-эътиборимизда. Ғўза чанқатилса ёки бостириб суғорилса, тўпланган ҳосил йўққа чиқишини биз яхши биламиз.

Мен сувчилар группасига раҳбарлик қиламан. Улуғ Ватан уруши ветерани Отамурод оға, унинг ўғли Худойберган, шогирдим Шуҳрат, ўғлим Алишер мен билан ёнма-ён тер тўкишяпти. Карталар йирик бўлгани учун группа усулида ишлаш маъқулроқ. Шунда картанинг ҳамма қисмига сув бирдай етиб бориши, ернинг баробар тобига келишига эришилади. Ҳозир парранда гўнгини «шарбат» қилиб оқизяпмиз. «Шарбат»нинг бу усули экинни ҳам сув, ҳам озиқдан баҳраманд этади. Урганч бройлер паррандачилиги фабрикасидан гўнг ташиб, дала бошига уйиб қўйганмиз. Ҳар бир туп ғўзага сув, озиқ текис етиб боришига кўз-қулоқмиз. Сувчи доимо пайкал оралаши, ҳушёр бўлиши лозим. Сув текис тaралмаса ғўзанинг бўйи паст-баланд бўлади, экин машинабоп бўлиб ўсмайди. Қулоқни очиб қўйиб, кетиб қолган сувчи панд ейди. Хуллас, экинни яшнатадиган ҳам, қоидага амал қилмаса, қақшатадиган ҳам сувчи. Биз масъулиятни чуқур ҳис қилиб, суғориш агротехникасига қатъий риоя этмоқдамиз. Бош агроном Қадамбой Дўсчонов бошлиқ Сифат комиссияси далада бегона ўт бўлмаслиги, суғориш, культивация даврида агротехника қоидалари бузилмаслиги устидан доимий назорат ўрнатган.

Хўжалигимиз далаларида ғўзага сўнгги цикл ишлов бериш график асосида олиб борилмоқда. 40 га яқин группага уюшган миришкор сувчилар экинни қондириб суғоришда ғайрат ва тадбиркорлик кўрсатишяпти. СССР Давлат мукофоти лауреати Раҳимбой Бобожонов, Юсуф Жуманиёзов, Юсуф Файзуллаев бошлиқ 60 центнерчи бригадаларда ҳосилга ҳосил қўшиш йўлида амалга оширилаётган ишлар айниқса ибратлидир. Культивациялаш, суғориш, далаларни теримга тайёрлашда меҳнат қилаётган азаматларга қулай шароит яратиб берилган.

Бу йил баракали хирмон кўтариш билан бирга пахтанинг сифатини яхшилаш учун ҳар биримиз масъулмиз. Шу муносабат билан мен баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Аввало, ҳар битта кўсакнинг пишиб етилиши учун ғўза парваришини бўшаштирмай давом эттириш, бегона ўтни таг-томири билан йўқотиш, дефолиацияда, теримда шошма-шошарликка, сон кетидан қувишга барҳам бериш керак.

Ўйлаб кўрайлик: бўлар-бўлмасга ҳадеб теримчиларни шошилтириш, кўсаги етилмаган майдонда дефолиация ёки терим ўтказиш зарурмикин? Менимча пахтаси яхши очилган далада теримни уюшқоқлик билан бошлаш, шу йўсинда уч марта терим ўтказиб, асосий ҳосилни йиғиб олиш, машина теримида ҳам қоидага амал қилиш керак. Хом пахта терилмаслиги, сорт бузилмаслиги шарт. Чунки, тартибсиз терим, ҳар ким ҳар жойда дала оралаб пахта излаши сифатга таъсир қилмай қолмайди. Бизда куч, техника етарли, ҳашарчиларсиз, ўқувчилар ёрдамисиз ҳам ҳосилни йиғиб олишга қурбимиз етади. Қўл теримини фақат аёлларга ташлаб қўймай, ишга яроқли эркакларни ҳам теримга жалб қилмоқ керак.

Ҳосилнинг 70—80 процентини машинада теришни мўлжаллаб турибмиз. Пастки шохлари серкўсак, ғўзалар бир-бирига чирмашган айрим карталарга машина киритмай, ҳосилни қўлда терганимиз маъқул деб ўйлайман. Яъни омилкорлик билан иш кўриш, сифат учун сўзда эмас, амалда курашиш лозим.

**Машариф ЖУМАНИЁЗОВ,**

**Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз сувчиси, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори.**



**ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Китоб районидаги Навоий номли совхозининг тажрибали деҳқон Раъно Мирзаева етакчилик қилаётган бригадаси азаматлари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш иштиёқида пахта далаларида қизғин меҳнат қиляптилар. Механизаторлар ўз агрегатларига ҳимоя тўсиқлари ўрнатиб эгатларни сифатли юмшатишаётган бўлса, сувчилар обиҳаёт тарашяпти. Деҳқон меҳрига қонган ғўзаларнинг ҳар тупида 10-12 тадан бўлиқ кўсак кўзга ташланади. Дастлабки кўсаклар тиш ёрай деб турибди.**

**Суратда: моҳир сувчи Раим Қаҳҳоров.**

**Е. Ботиров фотоси.**

## Агрегатлар шай

**Қува районидаги «Социализм» колхозида терим техникаси мавсумга тўла-тўкис шай қилиб қўйилди. Колхоз механизаторлари саккизта пахта териш машинасини, тўртта кўрак териш агрегатини, 12 та кўрак тозалаш машинаси, шунингдек пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган трактор прицепларини ўз кучлари билан ремонтдан чиқардилар.**

**Тажрибали комбайнчилардан У. Ҳолиқов, Н. Ашуров, М. Маҳмудов машина бункерларидан камида 200 тоннадан пахта бўшатишни мўлжалламоқдалар. Социалистик мажбуриятларда кўзда тутилган уч минг тонна пахтани териб олишга улар шундай ҳисса қўшадилар.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК:

## МЕХАНИКНИНГ ИХТИРОСИ

**• Пешку районидаги Охунбобоев номли колхоз машина-трактор паркининг мудири Даврон Фармонов ғўза қатор ораларига чел қўювчи мослама яратди.**

Мослама Свердлов районидаги Навоий номли ва Бухоро районидаги «Правда» колхозларида ўтказилган семинарларда кўпчиликка намойиш этилди. Ҳар томонлама қулай бу агрегат кўплаб кишиларнинг, айниқса, механизаторларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Бироқ мослама бир оз такомиллаштирилиши зарур эди. Шуни ҳисобга олиб, Бухоро район «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси инженер-техник ходимлари ихтирочига ёрдамга келишди.

Ниҳоят мослама тўла тайёрланиб, Бухоро районидаги Ленин номли колхоз пахтазорида синовдан ўтказилди. Деҳқонларнинг оғирини енгил қиладиган, синовдан муваффақиятли ўтказилган мослама Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси шонли 60 йиллиги муносабати билан Тошкентда ташкил этиладиган республика кўргазмасида намойиш этилади.

Бирлашмада чел олувчи яна бир мослама ихтиро қилинди. Бу мослама тракторнинг осма механизмига тиркалади ва «УПХ—1,5» машинаси кардан вали ёрдамида ишлатилади. Агрегат учта жўякка мослаштирилган.

**Б. РАЖАБОВ.**

## ҚУВВАТЛАР ОШИРИЛДИ

**• Ингичка толали пахтани қайта ишлашга ихтисослашган Косон пахта тозалаш заводи ишлаб чиқариш қувватларини оширди.**

Эндиликда корхонада ҳар куни 60 тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқариладиган бўлиб қолди. Цехларда яна 12 та валикли жин машинаси ва бошқа асбоб-ускуналар ўрнатилди, пахта қабул қилинадиган майдончалар кенгайтирилди.

Областнинг пахтани қайта ишлайдиган бошқа корхоналарида ҳам ҳосилни қабул қилиб олишга доир тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Бешкент ва Нишон пахта заводларида янги поток линиялар ўрнатилди.

(ЎзТАГ).

## ТЕРИМГА ТАХТ

**• Бўка районининг колхоз ва совхозларида пахта териш машиналари ремонтига «аъло» ва «яхши» баҳо берилди.**

Бу ерда 433 терим машинаси мавсумга муддатидан илгари тахт қилиб қўйилди. Агрегатлар ҳосил терими тугаши биланоқ устахоналарга келтирилиб, бу ерда ихтисослашган бригадалар томонидан ўз вақтида иш бошлаб юборилди.

Бошқа хил машиналар, тележкалар ҳам терим мавсумига тайёрлаб қўйилди. Район механизаторлари ҳосилнинг 86 процентини бункерлардан ағдаришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

## ЛЕНИННИНГ САФДОШИ

Владимир Ильич Лениннинг опаси А. И. Елизарова-Ульянова туғилган куннинг 120 йиллиги муносабати билан 21 август куни Москвада, В. И. Ленин Марказий музейида ленинхонлик ўтказилди.

Профессионал революционер, таниқли совет давлат ва партия арбоби А. И. Елизарова-Ульянова ҳамиша ва ҳар ишда қатъий ленинча позицияда турди.

Ленинхонликда А. И. Елизарова-Ульянова Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлашда актив иштирок этганлиги, у маориф ва матбуот соҳасида, улуғ Ленин ғояларини пропаганда қилишда катта самарали иш олиб борганлиги айтиб ўтилди.

(ТАСС).

## ШОНЛИ САНА

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқи билан бирга Румыния фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 40 йиллигини нишонламоқдалар. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 22 августда бўлиб ўтган йиғилиши шу шонли санага бағишланди.

Сўзга чиққан кишилар Румынияни озод этишда Совет Армияси ўйнаган тарихий роль тўғрисида гапириб, РСР халқига янги ҳаёт қуришда, тинчлик ва тараққиёт йўлида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Навоийда янги темирйўл вокзали қурилди. Вокзал дастлабки пассажирларни қабул қилди.

Янги темирйўл вокзали «Ташгипротранс» институтининг лойиҳаси асосида бунёд этилди. Лойиҳани ишлаб чиқишда ленинградлик архитекторлар ҳам иштирок этдилар. Барча қурилиш, монтаж ва пардозлаш ишларини Навоий қурилиш бошқармасининг бўлинмалари бажарди.

Ойна, бетон, гранитдан қурилган ва маҳаллий мармар билан пардозланган кўркам ва замонавий бинода пассажирлар учун яхши қулайликлар яратилган. Ёруғ ва кенг кутиш зали, оналар ва болалар, уруш ва меҳнат ветеранлари учун дам олиш хоналари бир вақтнинг ўзида беш юзгача кишини қабул қила олади.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми алмашлаб экиш участкаларини, бригада пудратини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этганликлари ва Сурхондарё области қишлоқ хўжалиги экономикасида эришган муваффақиятлари учун Ангор районидаги «Таллимарон» совхозининг бригадири Анор **Содиқова**, Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхоз участка бошлиғи Қаҳҳор **Ҳидоров** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор»**; Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг бош экономисти Холиқул Бобоназарович **Ашуров**, Ленин йўли районидаги В. И. Ленин номли совхоз-техникумнинг бош экономисти Ғаффор **Жумаев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвонлари берди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Румыния Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Николае Чаушескуга ва РСР ҳукуматининг бош министри Константин Дэскэлескуга телеграмма йўллаб, Румыния Социалистик Республикасининг миллий байрами — фашизм зулмидан озод этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан самимий қутловлар ва энг яхши тилаклар изҳор этдилар.

Телеграммада бундай дейилади: Совет Армиясининг ғолибона ҳужуми, Ясси-Кишинев операцияси давомида гитлерчи қўшинлар катта гуруҳининг қақшатқич тор-мор этилиши ва мана шу шароитда Румыниядаги ватанпарвар кучларнинг коммунистлар бошчилигида 1944 йил 23 август қуролли қўзғолони натижасида ҳарбий-фашистлар диктатурасининг манфур режими супуриб ташланди ва румин халқи олдида янги жамият қуриш йўли очилди.

Ўз авангарди — Коммунистик партия раҳбарлигида румин меҳнаткашлари туб сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишларни ўтказдилар. Румыния СССР ва бошқа қардош мамлакатлар билан дўстлик ҳамда мустаҳкам ҳамкорликка таяниб, йирик саноат потенциалига, кооперациялашган қишлоқ хўжалигига, ривожланган фан ва маданиятга эга бўлган индустриал-аграр мамлакатга айланди. Совет кишилари халқ ҳокимиятининг 40 йили мобайнида Румынияда эришилган ютуқлардан астойдил қувонадилар, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини юксак қадрлайдилар.

Марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига садоқатли Совет Иттифоқи Румыния Социалистик Республикаси билан иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, сиёсий иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш, Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлини ўтказмоқда ва бундан буён ҳам ўтказаверади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида 1984 йил июнида бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари Совет — Румин ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун катта имкониятлар яратади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун янги қулай истиқболлар яратади.

АҚШ ва НАТОнинг агрессив йўли натижасида вужудга келган ҳозирги мураккаб, кескин халқаро вазият қардош мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг халқаро майдондаги ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашни, тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро ҳалокати олдини олишнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Прага Сиёсий декларациясида, Москва Қўшма Баёнотида, Декларациясида ва бошқа биргаликдаги ҳужжатларда баён этилган кенг программасини амалга ошириш учун актив курашишни қаттиқ талаб қилади. Қардош мамлакатлар ташқи сиёсатининг бу принципиал йўли уларнинг тинчлик тўғрисидаги доимий ғамхўрлигидан келиб чиқади. Фашизмга қарши улуғ озодлик урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги келгуси йили нишонланади. Тарих тажрибаси, шу уруш тажрибаси социалистик давлатларнинг, барча тинчликсевар кучларнинг империализм агрессив доиралари тузаётган инсоният учун хатарли режаларни барбод этиш йўлида изчил ва қатъий ҳаракат қилишлари зарурлигидан жуда очиқ-равшан далолат бериб турибди.

Телеграммада Румыния Коммунистик партиясига, қардош румин халқига ривожланган социалистик жамият қурилишида янгидан янги муваффақиятлар изҳор этилган ҳамда совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстлик, партияларимиз билан мамлакатларимизнинг жипслиги Совет Иттифоқи ва Румыния Социалистик Республикасининг бахт-саодати йўлида, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва социализм иши манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирилган.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми

Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленумида ашаддий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги қонунларнинг республика судлари томонидан қўлланиш практикаси ҳамда СССР Олий суди ва Ўзбекистон ССР Олий суди пленумларининг шу масалага доир қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Такрорий жиноятларга қарши курашни кучайтириш, яна жиноят қилган кишиларни қаттиқ жазолаш зарурлиги таъкидланди. Илгари суд қилинганлар томонидан қонун бузиш ҳолларининг олдини олишда, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда меҳнат коллективлари ҳамда хўжалик раҳбарларининг катта роли кўрсатиб ўтилди.

Пленум республика судларидан тегишли мансабдор шахсларнинг ашаддий жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқ бузиш ҳолларига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни тугатиш чораларини кўрмаслиги фактларига нисбатан қаттиқ чора кўришни талаб қилди. Судларга амалдаги қонунларни қўлланиш, жиноятнинг олдини олиш ишларини кучайтириш, ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш юзасидан изоҳлар берилди.

Республика судлари томонидан қисқа муддатларга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазоларнинг қўлланилиши практикаси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Социалистик мулкка ва ижтимоий ҳуқуқ-тартиботга, гражданларнинг ҳаёти ва соғлиғига жинояткорона тажовуз қилганлик ва бошқа оғир жиноятлар қилганлик учун асоссиз равишда енгил жазо чоралари белгиланиши фактларини судларнинг практикасидан бутунлай соқит қилиш кераклиги уқтириб ўтилди. Айни вақтда биринчи бор қилинган ва жамоат учун унчалик катта хавф туғдирмайдиган жиноятлар учун судлар айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини кенг қўлланишлари лозим. Кейинги вақтларда қонунларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ва ҳуқуқ бузувчиларга нисбатан бирмунча табақалаштирилган ёндашишни таъминлайдиган жазо чораларининг таъсирчанлигини анча оширувчи ўзгартишлар киритилди. Жумладан, ахлоқ тузатиш ишлари муддати икки йилгача узайтирилди, қасддан қилинган ва бошқа турдаги жиноятлар учун жариманинг анча юқори миқдорлари белгиланди, ҳукмни ижро этиш муддатини узайтиришдан фойдаланиш, шартли равишда ҳукм қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Шу муносабат билан судлар жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгилаган шахсларнинг ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш ишида ҳукм этилганлар меҳнат қилаётган ёки яшаб турган меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари катта аҳамият касб этади.

Пленум Ўзбекистон ССР Олий суди граждан ишлари судлов коллегиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди. Бу суд коллегиясининг куч-ғайратлари суд қарорлари доимо юксак маданият ва юридик жиҳатдан саводлилик намунаси бўлиши, ҳуқуқ нормаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаши учун республика судларининг қонунларни тўғри ва бир хил тарзда қўлланишлари устидан назорат қилиш самарадорлигини оширишга қаратилиши кераклиги таъкидланди. Бу гап айниқса ишлаб чиқаришда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, давлатга етказилган зарарни ундириб олиш, уй-жой низолари масалалари билан боғлиқ бўлган меҳнат ишларига, никоҳ-оила муносабатларига ҳамда давлат ва гражданларнинг муҳим манфаатларига дахлдор бўлган бошқа ишларга тааллуқлидир.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди. Амалдаги қонунлар ўзгартирилганлиги муносабати билан илгари қабул этилган баъзи қарорларга зарур аниқликлар киритилди.

Пленум баъзи суд ишларига оид протестларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎзТАГ).

